



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 24 июнь, № 123 (6558)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашувлар ўтказди.

Ислоҳ Каримов Владимир Путин билан мулоқот чоғида ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мантикий давоми, мамлакатларимиз стратегик шерикликни ривожлантириш йўлидан бораётганининг яққол намоёни эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. 2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,4 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўқилғи-энергетика соҳасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда 2016 йил апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги музокара-лар яқунлари ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди. ШХТ саммити асносида бўладиган музокара-лар барча соҳада

минтақавий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ислоҳ Каримов Туркменистон Президенти билан суҳбатда унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорликнинг яна бир ифодаси эканини қайд этди. Бу давлатларимиз минтақада ва халқаро миқёсда бир-бирининг нуфузини ошириш ҳамда позициясини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаб келаётганини намоён этишини таъкидлади. Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 320 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимиздан Туркменистонга автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар экспорт қилинмоқда. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Транспорт ва транзит соҳаси иқтисодий алоқаларнинг стратегик йўналишларидан. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо юқларини Туркменистон орқали ташиш

ҳажми 43 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ШХТ саммитига таклифи учун Президентимиз Ислоҳ Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Туркменистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларини азалий дўстлик ва қўшничилик ришталари, маданият ва анъаналар уйғунлиги боғлаб туриши таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб, ўзаро савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки ўрт йилида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 17,6 фоиз ошди.

Учрашувда мамлакатларимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди. Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Имомали Раҳмон Тожикистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашни, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлганини таъкидлади. Мазмунли учрашув учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ислоҳ Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан суҳбатда ушбу учрашув олий даражадаги сиёсий мулоқотларнинг мантикий давоми, эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга алоҳида аҳамият қаратади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш 2 баробар ўсган. 2015 йилда бу кўрсаткич қарийб 320 миллион долларни ташкил этган. Мамлакатимизда Ҳиндистон капитали иштирокида тузилган 100 дан зиёд корхона, ушбу мамлакатнинг 15 фирми ва компанияси ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда рақобатдош сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган қатор кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий



зонасида «Минда Групп» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар учун спидометр, тахометр ва турли электрон қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. «Новафарм», «Ультра Хелс Кеар», «Велл Мед Фарм» каби корхоналарда кенг турдаги фармацевтика маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ШХТга аъзо давлат бўлишга интилишини қўллаб-қувватлашни, бу ташкилотнинг нуфузини янада ошириши ҳамда минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини қайд этди.

Нарендра Моди самимий учрашув учун Президентимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 23 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити иштирокчилари учун концерт намойиш қилинди.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАННУМИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун бундай тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Соат 18.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмасбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислоҳ Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов кириб келди.

Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросидаги “Ул ким жонон” ашулси тинглоччиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ийғилганлар олий

мартабали меҳмонларни гулдурас қарсақлар билан кутиб оладилар.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити концерт билан бошланганида чуккур рамзий маъно мужассам. Зеро, маданият ва санъат халқларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини англаши учун ўзига хос воситадир, бинобарин, мусиқа чегара ва масофа билмайди. Шу боис “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида дўстлик ва ҳамкорлик муҳити ҳукм сурди.

Олий мартабали меҳмонлар эътиборига ўзбек халқининг миллий ашула ва рақслари, шунингдек, жаҳон опера санъатининг энг сара асарларидан намуналар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросидаги “Ул ким жонон” ашулси тинглоччиларда унутилмас таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда.)

ШХТ Банклараро бирлашмаси кенгашининг йиғилиши

Тошкентда 22-23 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Банклараро бирлашмаси кенгашининг Ўзбекистон раислигида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ШХТ Бош котиби Р. Алимов, Қозғистон тараққиёт банки, Қирғизистон Республикасининг “РСК Банки”, Хитой Давлат тараққиёт банки, Россиянинг Тараққиёт ва ташқи иқтисодий фаолият банки (Внешэкономбанк) давлат корпорацияси, Тожикистон Республикасининг “Амонатбанк” давлат жамғарма банки, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, шерик банклар сифатида “Беларусбанк” жамғарма банки, Покистоннинг “Хабиб Банк Лимитед” банки ва Мўғулистон тараққиёт банки раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ШХТ Банклараро бирлашмаси кенгашига раислик қилувчи банк раҳбарининг ушбу босқичда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раислигида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳамда кенгашининг бошқа аъзолари ва ШХТ Банклараро бирлашмасининг шерик банклари

вакилларининг жорий ҳамда истиқболдаги фаолият масалалари бўйича маърузалари тинланди. Томонлар инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш борасида, ШХТ маконида ва Осиё минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни фаолаштириш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, ШХТ Банклараро бирлашмасини ўрта муддатли истиқболда янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

ШХТ Банклараро бирлашмаси кенгаши йиғилишида томонлар сўнгги йилларда ШХТда кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шериклар молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан қониқиш ҳосил қилди. Йиғилишда Мўғулистон тараққиёт банкига ШХТ Банклараро бирлашмасининг шерик-банкни макomini бериш тўғрисидаги қарор имзоланди.

Ў.А.

ЁШЛАР УЧУН «КАМОЛОТ» УЙЛАРИ



Қарши шаҳрида ёш оилалар учун “Камолот” уйлари барпо этилди. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида ёшларга туҳфа бўлган мазкур тураржойларни эгаларига топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши фаоллари, тегишли идоралар ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

ҒАМХЎРЛИК

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан соғлом, маъ-

нан етуқ, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳияти юқори ав-

лодни вояга етказишга устувор аҳамият қаратиб келинаётгани, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилаётган эътибор самараси аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш маданиятини юксалтиришдек эзгу ишларда намоён бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви мажлиси

Тошкентда 23 июнь куни Ўзбекистон раислигида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ШХТ Бош котиби Р. Алимов, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи котиби С. Канавский, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши миллий қисмлари раислари — Ўзбекистон Республикасида Н. Шайхов, Қозғистон Республикасида Н. Шаршекеев, Хитой Халқ Республикасида Н. Мэйцин, Россия Федерациясида Н. Катирин ва Тожикистон Республикасида Н. Шариф иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ишбилармонлар кенгаши 2006 йилнинг 14 июнида таъсис этилган бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ишбилармон ва молиявий доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, кўп томонлама лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ШХТга аъзо давлатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакилларини бирлаштирган нодавлат тузилмадир.

(Давоми 2-бетда.)

Фермернинг йирик лойиҳалари

Наманган туманидаги "Аҳмадбек саховати" фермер хўжалиги аграр соҳанинг беш йўналишида фаолият юритмоқда.

ИНТИЛИШ

Қишлоқ мулкдори, айниқса, паррандачиликдан катта даромад кўраётди. Хўжалик қошида ташкил этилган фабрикада 60 мингта товуқ парваришланаётди.

Барча тармоқни қўшиб ҳисоблаганда, ўтган йилни 2,1 миллиард сўмлик даромад билан яқунлади, — дейди хўжалик раҳбари Рустамжон Қозоқбоев.

Фермер хўжалигида яқинда умумий қиймати 600 минг еврога тенг лойиҳа ижросига киришилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИСЛОҲОТ

Жаҳон пахта бозорида рақобатнинг кучайиб бораётгани, ишлаб чиқаришга ўта замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналарининг татбиқ этилаётгани, маҳсулот тайёрлаш жараёни тобора такомиллашганлиги тола сифатига қўйилган талабни тубдан ўзгартирмоқда.

Ўзбек пахта толаси:

ЮҚОРИ СИФАТ НАМУНАСИ

Айтиш жоизки, дастлабки йилларда ўзбек толасининг нархи пахта етиштирувчи бошқа давлатларникига нисбатан паст баҳоланарди. Ваҳолонки, сифат кўрсаткичлари уларникидан асло қолмас, ҳатто устунликка ҳам эга эди.

Шунинг учун, аввало, пахта толасини таснифлаш ва сифатини баҳолаш тизимида изчил ислохотлар олиб борилиб, миллий стандарт жорий этилди.

Дарҳақиқат, республикамиз пахта тазалаш корхоналарида тажриба тарихида толанинг сифат кўрсаткичларини HVI ти-

зими асосида аниқлаш бошлангач, у эскича классификация қилинганларига нисбатан 15 фоиз баландроқ нархда сотила бошланди.

Мазкур марказ дастлабки йилнинг ўзиде Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасига аъзо ташкилотлар билан ҳамкорликда Уз РСТ 604-93 "Пахта толаси. Техник шартлар" стандартини яратдики, бу ўзбек пахта толасини сертификатлашда янгича ёндашувни шакллантирди.

Янги стандартнинг ҳаётга татбиқ этилиши пахта тазалаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида улкан ўзгаришларга туртки берди.

Ислохотларнинг кейинги босқичи — 1995 — 1999 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки ҳамкорлигида Ўзбекистон "Сифат" маркази тизимида 13 та ҳудудий лаборатория ташкил қилинганлиги соҳадаги йирик лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилди.



Мухими, пахта толасининг 10 фоиз микдоридеги улуши Ўзбекистон "Сифат" марказида сертификатланадиган бўлди.

Ислохотларнинг кейинги босқичи — 1995 — 1999 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки ҳамкорлигида Ўзбекистон "Сифат" маркази тизимида 13 та ҳудудий лаборатория ташкил қилинганлиги соҳадаги йирик лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилди.

ватли заминимизда етиштирилган пахта толасининг кадрлари бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

HVI — юқори самарали "High Volume Instruments" синов-ўлчаш тизимининг қисқартирил-

синовдан ўтказган АКШдан сўнг иккинчи мамлакатга айланди.

Истиқлол йилларида пахтачилик ва уни қайта ишлаш тармоғида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли нафақат саноатбоп пахта ҳамда тола етиштириш ва уни сифатли қайта ишлаш, балки сақлаш, харидорларга ўз вақтида етказиб бериш бўйича кенг қамровли

ҳамда ишончли инфратузилма ҳам яратилди.

Хусусан, 2003 йилдан эътиборан ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари самарали фаолият юритиб келаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 27 октябрдаги Фар-

Пахтачилик соҳасида кенг қўламли ислохотлар туфайли тола таснифлаш, сертификатлаш ҳамда сифатини аниқлаш миллий тизими муваффақиятли тарзда яратилди.

Жамшид ҚОДИРОВ,

«Ўзпахтаспорт» акциядорлик жамияти бош директори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2015/2016 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитиш тизимининг битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг келажақда ўз ўринларини топишга қўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганлигини эълон қилади ва куйдаги маълумотларни тақдим этади.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2015/2016 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Table with columns for faculties (T/p), subjects, and exam results for Bachelor's and Master's programs.

Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, барча маълумотга эга бўлишингиз ва уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашингиз мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 11 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Оҳангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон туманларо судининг 2015 йил 20 мартдаги 1-5267-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 882 ОАА, ҳозирги пайтдаги давлат рақами 10 248 GCA бўлган, «HOWO» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 98 539 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-61-44.

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 16 июндаги 117 (6552)-сониде чоп этилган эълондаги Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан ФИБ Бекобод туманларо судининг 2015 йил 25 майдаги 1-3420/15-сонли суд буйруғига асосан қўзғатилган 6409-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошлангич баҳоси 25 908 300 сўм бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, 10 R 180 KA давлат рақамли, «Mercedes-Benz 609-D» русумидаги автотранспорт воситаси Бекобод шаҳар СИБнинг 2016 йил 20 июндаги 6409-сонли хатига асосан, аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» акциядорлик тижорат банки

мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан юртдошларимизга

«Истиқлол-25»

номли янги омонат турини таклиф этади.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Мурожаат учун телефон: (0-371) 202-99-99.

www.mikrokreditbank.uz

«Ўзбекистон жозибали сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат»

Латвиянинг Салацгрива шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Унда мазкур шаҳар кенгаши, ўлка Думаси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда сайёҳлик соҳаси мутахассислари қатнашди.

ЭЪТИРОФ



Унда тадбир иштирокчиларига Ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, диёримизнинг бетакрор туризм имкониятлари, жумладан, ишлаб чиқилган янги саёҳат йўналишлари ва Ўзбекистоннинг ривожланган транспорт инфраструктураси ҳақида батафсил маълумот берилди.

никация имкониятлари ҳамда юқори даражада хизмат кўрсатиладиган меҳмонхоналар хусусидаги маълумотлар маросим катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Фарғона вилояти ҳақида ҳикоя қилувчи хужжатли фильм намойиши эса уларнинг тасаввурларини янада бойитди.

Форумда республикаимиз минтақаларининг сайёҳлик жабҳасидаги ўзига хос жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ушбу биринчилик янги иқтидор эгалари кашф қилингани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Хусусан, 200, 500 ҳамда 1000 метр масофаларга байдаркада эшак эшишда Денис Онуфиев энг юқори натижага эришди.

Лиене Соме-ТИЕСНЕСЕ, Салацгрива ўлкасидаги Сайёҳлик ахборот маркази директори:

— Ўзбекистон юксак сайёҳлик салоҳиятига эга давлат. Шу боис бу юрда фаолият кўрсатадиган сайёҳлик компаниялари ва туроператорлар билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ўзаро сайёҳлик алмашувларининг тараққий этишига кўмаклашади.

«Жаҳон» АА. Рига — Салацгрива

ТАЪТИЛ — 2016

Болалар интиқиб кутган ёзги таътил дамлари бошланди. Шу муносабат билан республикаимиз ҳудудларидаги оромгоҳларда ўқувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Дарвоқе, бу йилги мавсумда мамлакатимиз сўлим тоғ ёнбағирларида жойлашган 213 та стационар ва таълим муассасалари қошида ташкил этилган 851 кундузги оромгоҳда 292 мингдан зиёд ўғил-қиз дам олмақда.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда таълим муассасалари қошидаги кундузги оромгоҳларда болалар мириқиб хордиқ чиқараётти. Худудий халқ таълими бошқарув идоралари, маҳаллий давлат органлари томонидан кундузги оромгоҳларнинг барча биноси, ўйин ҳамда тўғарақлар хоналари тўлиқ жиҳозланди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

СЎЛИМ ВА ХУШМАНЗАРА МАСКАНЛАР

Ўқувчиларнинг мазмунли дам олишлари ҳамда олишлари хизмат қилмоқда

услубий қўлланмалари чоп этилган бўлиб, улар барча турдаги оромгоҳларга етказилди. Дам олиш масканларидаги замонавий ва ихчам кутубхоналар эса худуддаги таълим муассасалари ҳамда ахборот-ресурс марказлари томонидан Президентимиз асарлари, болалар адабиётлари, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга бағишланган рисола-лар ва журналлар билан тўлиқ таъминланди.

Болаларнинг таътилни мазмунли ўтказиш режасида музейлар, истироҳат боғлари, спорт объектларига саёҳат уюштириш кўзда тутилган. Шунингдек, танловлар ҳамда спорт марафонлари дастури ҳам тайёрланди.

ҳаракати экскурсиялар ташкил қилиш ва тўғарақларнинг самарали фаолият юритишига кўмаклашяпти, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зарур спорт инвентарларини тақдим этган. Малакали шифокор

ри ижодий жамоаларининг қизиқарли спектакль ҳамда дастурлари уларга унутилмас кувонч бағишлашига ишончмиз қилимиз.

Энг улув ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муно-

тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Унда асосий эътибор ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, уларга мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида барча соҳада олиб борилган кенг қамровли ислохотлар, эришилган улкан марралар ҳақида ҳикоя қилиш, соғлом турмуш тарзини ҳамда китобхонлиқни тарғиб этишга қаратилади.

Шу асосда умумтаълим мактабларида соғломлаштириш майдончалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт секциялари, “Баркамол авлод” болалар марказларида қизиқишлар буйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган, болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларида мусиқа сабоқлари ва туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказларида китобхонлик тадбирлари ўтказилляпти. Бундай анжуманларда юртимизнинг уч миллиондан ортиқ ўқувчилари қатнашмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг интернетдаги www.uzedu.uz расмий сайтида ёз мавсумида барча турдаги оромгоҳларда ташкил қилинадиган тадбирлар, спорт мусобақалари ҳақида батафсил маълумот бериб борилаётти.

Умуман олганда, оромгоҳларимиздаги кенг имкониятлар, режалаштирилган тадбирлар буйича мавсум ҳар қачонгиданда ёдда қоларили даражада ўтишига замин яратяпти.

Хикматилла ДАМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Спорт



Энгил атлетика буйича Ўзбекистон тарма жамоаси аъзоси Нигина Шарипова Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида уюштирилган халқаро турнирда кумуш медал соҳибасига айланиши баробарида, XXXI ёзги Олимпиадада унинг йўлланмасига ҳам эга бўлди.

Нигина Олимпиадага боради

У 200 метр масофага югуришда маррани 23,17 сонияда забт этди. Эслатиб ўтамиз, истеъдодли атлетимиз май ойида Қозоғистонда уюштирилган мусобақада 100 метрик масофага 11,31 сонияда етиб бориб, мазкур йўналиш буйича ҳам олимпиада унинг лицензияси учун белгиланган меъёрни бажарган эди.

Тошкент вилоятида байдарка ва каноэда эшак эшиш буйича ўн олти ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати якунланди.

Истеъдодлар кашф этилди

Ушбу биринчилик янги иқтидор эгалари кашф қилингани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Антон Коломейцев эса мазкур кўрсаткични каноэ йўналишида қайд этди.

Чемпионат якунланди

Чирчиқ олимпиада захиралари коллежида огир атлетика буйича катталар ўртасидаги мамлакат чемпионати ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, огир атлетика федерацияси томонидан ўтказилган беллашуларда қарийб юз нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Эраклар ўртасидаги кескин ҳамда муросасиз кечган бахсларда Бекзод Абдуҳамидов, Дониёрбек Саидназаров биринчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар орасида Манзура Мамасолиева, Мадина Мамасолиева, Дина Тожиевага тенг келадиган топилмади.



XXXI ёзги Олимпиадада унинг йўлланмасига ҳам эга бўлди.

Полвонимиз муваффақияти

Муросасиз кечган мусобақанинг эркин кураш йўналишида вакилимиз Ихтиёр Наврўзов 70 килограмгача бўлган вазнда кумуш медални қўлга киритди.

Тарма жамоамизнинг навбатдаги ўқув-машгулот йиғини Германиянинг Дортмунд шаҳрида ўтказилади.

Санджон МАХСУМОВ тайёрлади.

ЭЪТИБОР

Бугун ўзининг мустақил фикрига эга, бир нечта хорижий тилларни мукамал билладиган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган, қисқача айтганда, қатъиятли янги авлод ҳаётга дадил кириб келмоқда.

Қатъиятли янги авлод

Мазкур жараёнда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт марказининг алоҳида ўрни бор. Ушбу марказ ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш, касб-хунарларнинг бошланғич сир-асрорларини ўргатишда салмоқли ҳисса қўшаётти.

Айни пайтда марказда 272 нафар ўғил-қиз жалб қилинган 38 та тўғарақ фаолият кўрсатаёпти. Муассасамизда узлуксиз равишда турли тадбирлар, кўрик-танлов ҳамда ижодий беллашувлар ташкил этилади. Шу йўл билан навқирон авлоднинг билим олишга, касб-хунар эгаллашга бўлган қизиқишларини ошириб борамиз.

Қолаверса, марказимиз тўғарақлари аъзолари мамлакатимиз миқёсида уюштирилаётган қатор кўрик-танловларда муваффақияти қатнашиб, ўз иқтидорини намойиш қилаёпти. Хусусан, ўтган йилнинг ноябрь ойида “Ёш хунарманд” кўрик-танловининг финал босқичида зарғарлик тўғараги аъзоси Бунёд Мирзахўжаев, ёғоч уймақорлиги тўғараги аъзоси Абдулла Исмаилуллаев фахрли биринчи ўринни, майда пластика тўғараги вакили Камрон Холматов эса иккинчи ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган “Камалат юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалида ҳам марказимиз аъзолари фаол қатнашмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг санъатга, гўзалликка бўлган муҳаббатини янада ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида марказимизда карвинг санъати, ўғил болалар учун рақс, драма, фортепиано ҳамда шахмат тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифаларини ижросини таъминлаш мақсадида муассасамизда инглиз тили тўғараги фаолият кўрсатаётти. Бундан ташқари, жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари учун маҳорон инглиз тили тўғараги ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътилин мазмунли ҳамда мароқли ташкил қилиш учун махсус ўқув режаларини ишлаб чиқдиқ. Шунга қўра, марказимизда бир қатор юмушлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Меҳрибонлик” оромгоҳида марказимиз ташаббуси билан тузилган мунчоли безак ва майда пластика тўғарақлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Қисқача айтганда, марказ ўғил-қизларнинг чинакам тарбия масканига айлансин, деймиш. Зеро, ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш каbidи.

Дониёр ЭРМАТОВ, “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Advertisement for AMKODOR-TASHKENT MCHJ JK, featuring various construction machinery like excavators, bulldozers, and tractors, with contact information and company details.

Advertisement for Tashkent Pediatric Institute, highlighting its role in providing pediatric services and its affiliation with the Ministry of Health.

Advertisement for 'Xalq so'zi' newspaper, providing contact details for subscriptions and office information.

Advertisement for Raxmatov, a publicist, providing contact information for his services and publications.

Advertisement for 'Sharq' newspaper, providing subscription rates and contact information for advertising.